

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА  
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**И. САИФНАЗАРОВ, Б. ҚОСИМОВ,  
А. МУХТОРОВ, Г. НИКИТЧЕНКО**

**ФАННИНГ ФАЛСАФИЙ  
МАСАЛАЛАРИ**

**Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим  
вазирлиги томонидан олий ўқув юртлари магистратураси  
учун ўқув қўлланма сифатида тавсия этилган**

**ТОШКЕНТ – 2007**

**И. Саифназаров, Б. Қосимов, А. Мухторов, Г. Никитченко.**  
**Фаннинг фалсафий масалалари. – Т., «Fan va texnologiya». 2007,**  
**240 бет.**

Ушбу ўқув қўлланма Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тасдиқлаган намунавий ўқув дастурига мувофиқ ишлаб чиқилган. Ўқув қўлланмада фаннинг фалсафий муаммоларини муайян фанларнинг ривожланаётган билим тизими сифатида кўриб чиқишга асосий эътибор қаратилиб, фан амалиёти ва ривожланишининг манбалари, асосий фалсафий, методологик ва эпистемологик тамойиллари очиб берилган.

Қўлланмада жамият, шу жумладан, Ўзбекистон иқтисодиёти ва иқтисодий ҳаётининг фалсафий масалаларига ҳам эътибор берилган. Марказий Осиёда ўрта асрларда илмий билимларнинг шаклланиши муаммоси, шунингдек, мустақил Ўзбекистоннинг ҳозирги ижтимоий-иқтисодий ривожланиши муаммолари ёритилган.

Ўқув қўлланма иқтисодий йўналишга ихтисослашган магистрлар учун мўлжалланган.

*Илмий муҳаррирлар:* **Н.ШЕРМУҲАМЕДОВА – ф.ф.д.;**  
**М.АБДУРАШИДОВ – ф.ф.н., доц.**

*Тақризчилар:* **А. ҚОДИРОВ – ф.ф.д., проф.;**  
**Н. МАХМУДОВ – и.ф.д., проф.;**  
**Б. АЛИЕВ – ф.ф.д., проф.**

ISBN 978–9943–10–037–4

© «Fan va texnologiya» нашриёти, 2007.

## К И Р И Ш

Учинчи минг йилликка кадам қўйган инсоният бу давр фан ва илмий билимнинг мисли қўрилмаган тарзда ўсиши, ахборотлашган жамият шаклланиши даврининг ўзига хос муаммоларига дуч келмоқда. XXI асрда фан нафақат илмий тараққиёт, балки жамият тараққиёти, ижтимоий тараққиётнинг ҳал қилувчи кучига айланади, бу қонуният Ўзбекистонда яшовчи ҳар бир фуқаро дунёқараши ва маънавиятини кенгайтириш ва чуқурлаштиришни тақозо этади.

«Ўйлайманки, ҳозирги ахборот, коммуникация ва компьютер технологиялари асрида, интернет кундан-кунга ҳаётимизнинг барча жабҳаларига тобора чуқур ва кенг кириб бораётган бир пайтда, одамларнинг онги ва тафаккури учун кураш ҳал қилувчи аҳамият касб этаётган бир вазиятда бу масалаларнинг жамиятимиз учун нақадар долзарб ва устувор бўлиб бораётгани ҳақида гапириб ўтиришга ҳожат йўқ»<sup>1</sup>, деб қайд этди Президент Ислом Каримов Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида.

«Фаннинг фалсафий масалалари» деб номланган ушбу ўқув қўлланма магистрантлар, аспирантларга, шунингдек олий ўқув юртининг ўз фалсафий-эпистемологик билим даражасини оширишга, мустақил фикрининг фалсафий раволиги ва методологик изчиллигини шакллантиришга интиланган бакалаврият талабаларига мўлжалланган. Қўлланма муайян ихтисосликлар бўйича номзодлик минимуми имтиҳонларини топширишга тайёргарлик кўраётган талабгорларга ҳам жиддий ёрдам беради. Бу китоб иқтисодий мутахассисликлар бўйича ихтисослашаётган илм толиблари учун айниқса зарур, чунки мазкур ўқув қўлланмаси иқтисодий ихтисосликлар магистратураси учун мўлжалланган намунавий ўқув дастури асосида ёзилган.

Ўқув қўлланмасида асосий эътибор, муайян фанларнинг фалсафий масалаларини ёритиш билан бир қаторда, фаннинг ўсаётган, ривожланаётган билим тизими, ўзига хос ижтимоий институт, ҳозирги замон постиндустриал ахборот цивилизациясининг ажралмас таркибий қисми сифатидаги назарий муаммоларига ҳам қаратилди. Унда фан фаолияти ва ривожланишининг манбалари, асосий фалсафий, методологик ва эпистемологик тамойиллари очиб берилди.

Қўлланмада илмий билим ривожланишининг турли концепциялари, фан шаклланиши ва ривожланишининг манбалари ва асослари ҳам кўриб чиқилади. Муаллифлар, қўлланма иқтисодий фанлар соҳасига ихтисослашган магистратура тингловчиларига мўлжалланганидан келиб чиқиб, иқтисодиёт ҳамда ҳозирги жамият иқтисодий ҳаётининг фалсафий масалаларига алоҳида эътибор бердилар. Ўқув қўлланмада Марказий Осиёда ўрта асрларда (IX–XV асрларда) илмий билимларнинг шаклланиши муаммосига, Шарқ ёки ислом ислоҳ-

<sup>1</sup> Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишидр. – Т., «Ўзбекистон», 2005. 56-б.

чилиги йўналишларининг ўзига хос томонлари, фан ва техника таракқиётига давр ўтиши билан ислом уйғониши тушунчаси моҳиятан ҳам ўзгариб бораётганлигига катта эътибор берилган.

Фан фалсафаси муаммолари, унинг фалсафий, методологик ва эпистемологик таҳлили, «фаннинг фалсафий масалалари» тушунчаси моҳиятининг ўзи ҳозирги табиий ва ижтимоий фанлар айрим соҳалари фалсафий жиҳатларининг таҳлили билан боғлиқ. Ўқув қўлланмада асосий эътибор ана шундай муаммоларга қаратилган. Бу ерда муаллифлар фан фалсафаси ва методологиясининг ўзаро алоқасига эътиборни қаратадилар. Қўлланмада фан фалсафаси илмий билимнинг алоҳида қисми сифатида ХХ аср ўрталарида шаклланганлиги қайд этилади. Фан фалсафаси илмий билимнинг асосий манбаларини, илмий эпистемологиянинг ошиб бораётган аҳамиятини, ҳозирги фалсафий мактаблар ва йўналишлар таъсирида унинг кучайиб бораётганини кўриб чиқади.

Қўлланманинг алоҳида бўлими илмий башорат қилишнинг фалсафий муаммоларига ва унинг ижтимоий-маданий ва назарий фаолиятнинг ўзига хос шакли сифатидаги методологик аҳамиятига бағишланган. Фан ва диннинг ўзаро нисбати масаласига алоҳида мавзу ажратилганки, бу ҳозирги куннинг долзарб муаммоларидан биридир.

Ҳозирги дунёнинг фалсафий ва методологик муаммоларини тушуниш, Ўзбекистоннинг иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий ривожланиш қонуниятларини чуқурроқ англашга эришиш мақсадида мамлакатимизда фуқаролик жамияти барпо этиш дастурини назарий жиҳатдан асослаб берган ва амалга оширилаётганлигини Ўзбекистон Президенти И.А.Каримов асарлари ва маърузаларида таъкидланганлигига эътибор қаратилади.

Мазкур қўлланма шу соҳадаги изланиш ва тадқиқотларнинг илк натижаси бўлганлиги боис ҳам, баъзи мавзуларга янгича ёндашувларнинг ўзига хослиги, жузъий камчиликлардан мустасно бўлмаслиги мумкин.

Шу сабабли ҳам ҳурматли китобхон, Сиз ўз фикр-мулоҳазаларингизни билдириш билан ушбу қўлланманинг келгусидаги нашрини тайёрлашга ва уни янада мукамал бўлишига муносиб ҳисса қўшган бўлур эдингиз.

---

---

## **1-мавзу. «ФАННИНГ ФАЛСАФИЙ МАСАЛАЛАРИ» КУРСИНИНГ ПРЕДМЕТИ ВА ВАЗИФАЛАРИ**

### **1.1. Фалсафа, унинг ҳозирги илмий билим тизимидаги ўрни**

Инсоният учинчи мингйилликка қадам қўйиши тарихдан индустриал жамият сифатида ўрин олган цивилизациянинг иккинчи тўлқинидан постиндустриал электрон-ахборот жамияти деб ном олган учинчи тўлқинга ўтиш даврига тўғри келди. Бу даврда фан ва ишлаб чиқаришнинг ўзaro нисбати муайян тарзда ўзгаради.

Агар индустриал жамият (иккинчи тўлқин) ва ундан ҳам олдинги аграр жамият (биринчи тўлқин) даврида илмий кашфиёт билан унинг ишлаб чиқариш эҳтиёжларига татбиқ этилиши ўртасида юзлаб йиллар ўтган бўлса, ҳозирги ахборот жамияти (учинчи тўлқин)да ишлаб чиқариш фаннинг ривожланиш суръатларига етиб улгуролмаяпти. Ҳозирги даврда фан иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий тараққиётнинг ҳал қилувчи кучига айланди ва ўз ривожланиш суръатларини тинимсиз ошириб бормоқда.

Ўз-ўзидан равшанки, янги шароитда фан тизимининг ўзи, унинг таркибий қисмлари тузилиши ва уларнинг ривожланиш жўшқинлиги ҳам мураккаблашади, билишнинг эмпирик методларидан назарий методларга, тавсифдан тушунтиришга ўтиш содир бўлади. Натижада, илмий билим ютуқларини ва унинг ривожланиш истикболларини фалсафий-назарий, эпистемологик жиҳатдан таҳлил қилишга катта эҳтиёж туғилади, бошқа томондан эса – ҳозирги даврни, шу жумладан, дунёнинг ҳозирги илмий манзарасини фалсафий таҳлил қилишда ҳозирги замон фанининг ютуқларидан фойдаланиш зарурияти юзага келади.

Биобарин, бугунги кунда фан ва фалсафа ўртасидаги алоқа ва ҳамкорликни мустаҳкамлаш вазифаси долзарб аҳамият касб этади. Маълумки, фалсафа кишилик тараққиётидаги ҳар бир тарихий вазият, ҳар бир босқич, ҳар бир цивилизациянинг маънавий мағзидир. Фалсафа ўз даври ва ўз халқининг ютуқларини мантиқий, асбтракт-назарий шаклда акс эттиради. Фалсафа инсон тафаккурининг кучи ва қудратига таянади, дунёнинг мантиқий манзарасини ва инсоннинг ундаги ўрнини «барча нарсалар мезони» (Протагор) сифатида кўрсатиб беришга ҳаракат қилади. Шу боис қадим замонлардан фалсафа донишмандликка муҳаббат ифодаси деб тавсифланади. Фақат Кант ва Гегель даврига келиб фалсафа фақат донишмандликка муҳаббат эмас, балки донишмандликнинг ўзи деган фикр одат бўлди.

«Донишмандлик билимга ва илмга таянади, лекин унга боғлиқ бўлмайди, зеро, билимдонликни ўзи донишмандлик эмас. Донишмандлик билимни англаб етиш, уни таҳлил қилиш натижасидир», деган эди Гераклит. У билишдан тушунишга ўтилганини ифода этади. Шу боис Б.Спиноза фалсафанинг вазифаси йиғлаш, қулиш эмас, балки тушунишдир, деб қайд этган эди.